


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҐАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 53-54 (10.610-10.611)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАДИШ ВА МЕҐР-САХОВАТ АЙЁМИ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун она дийримизнинг барча гўшалари, воҳаю водийларида одамларимиз, эл-юртимиз бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан, Наврўзи олам!» деб баҳорга пешвоз чиқмоқда, яшариш ва янгилашиш фаслини катта хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Барчангизни мана шу кутлуғ кун, Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Наврўз айёмининг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп минг йиллик тарихимизда қанча-қанча дostonлар, афсонаю ривоятлар, қўшиқ ва қасидалар битилган бўлмасин, унинг маъно-мазмуни, бекиёс гузаллигини таърифлашга, уни эъозлаш ва улуғлашга ҳар қандай сўзлар ҳам ожизлик қилади.

Лекин энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзнинг юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон қалбига, руҳиятига ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайдиган ҳаётбахш таъсир ўтказишини, айна шу фусункор дамларда унинг кўнглида жўш ураётган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш, англаш қийин эмас, деб уйлайман.

Авалло, кўкдам нафаси уфуриб, майин шабадалар эса бошлаши, табиат уйғониб, кўртлақларнинг очилиши билан инсон вужудига янги куч, янги гайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор наҳидаси югургандек бўлади, юрагимизни, бутун борлигимизни яхшилик ва яратувчиликка ундайди.

Қир-адирлар, боғу роғлар яшил либосга бурқаниб, майса-ғиёҳлар тупроқни ёриб, қўшга талпинибётган ажиб бир паллада одамзот беихтиёр табиат билан уйғун бўлиб яшашга, сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, бу баҳор неъматларини ўз яқинлари, дўсту биродарлари, қадрдонлари билан баҳам кўришга, хурсандчилик билан сайил-томшалар ўтказишга интилади.

Наврўзи олам келиши билан қадим замонларда ҳар қандай уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам тоғгани каби, бугунги кунда ҳам одамлар ўртасидаги турли келиш-мовчилик, гина ва аразларни унутишга қаратилган ҳаракатлар, хонадонлар, барча маҳалла-кўйларда, эл-юртимизда аҳилик, меҳр-оқибат ва тотувлик муҳити янада кучайиши табиий.

Бетакрор Наврўз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни файзу барака, ҳосият тарқ этмасин, сувимиз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларининг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятларининг узвий бир қисми бўлмиш ёрдам ва қўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-муруват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табарруқ кексаларимизни зиёрат қилиб, дуссини олиш сингари олжаноб туйғу ва интилишлар янада жонланади.

Мана шу хурсандчилик кунларда бағрикенг, очик кўнгли халқимиз бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган узок ва яқин қўшни халқларни, мана шу майдонда ўтирган уларнинг вакилларини чин дилдан табриклаб, ўзининг самимий тилак ва қўлловларини йўллайди.

Мухтарам юртдошларим!

Бу йилги Наврўз истиқлолимиз, мустақиллигимизнинг ўн бешинчи Наврўзидир.

Бу йилги Наврўз ҳаётимизнинг барча баҳаларида, иқтисодийимиз соҳа ва тармоқларида янгилашиш, ўсиш ва юксалиш Наврўзидир.

Бу йилги Наврўз қишлоқда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётида том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг мана шундай фидокорона меҳнати, интилиш ва сайёҳаракатлари неғизда юртимизни янада обод қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрат ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиб бериш, аҳоли саломатлигини асраш, қўлмиллатли жамиятимизда узаро аҳилик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсадлар мумкин.

Юртимизда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаганимиз, шу муносабат билан кенг миқёсда амалга ошираётган режа ва дастурларимиз одамларга беминнат яхшилик қилиш, беғараз ҳомийлик кўрсатиш, инсон дардига шифо бериш сингари Наврўзнинг азалий қадрият ва аъёналари билан ҳамоҳанг экани айниқса эътиборлидир.

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Наврўз айёми билан яна бир бор табриклайман.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо барқарор бўлсин!  
Хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табарруқ оталаримиз, муҳтарама молларимизнинг умрлари узок бўлсин, ёшларимизнинг бахтини, қамолтини берсин!  
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

### АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҐДА ЎТДИ



Қорли-қировли кунлар ортда қолди. Кўнглилар кўкдам суруридан яйрамоқда. Офтобнинг нури жилвалари, сарин шаббаданнинг майин ва илқ эркалашлари, чаппар уриб гуллаган боғларнинг хушбўй нафаси, чаманзорларнинг рангин ва жозиб товланиши юртимизга Наврўз кириб келганидан дарак беради.

Она дийримизда фаслар келинчаги - баҳор кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Шундай фусункор дамларда қалбларимиз ана шу ёрғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошаётди.

Азалдан халқимиз табиат уйғонадиган сафоли кунларни шодлик билан кенг нишонлаган, сайилга чиққан. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сийҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилақлари билан, энг муҳи-

ми, очик чеҳра ва бунёдкорлик кайфияти билан Наврўз шодиёнларига қадам қўймоқда.

Наврўз сайли — халқимиз майли. Наврўз сайли истиқлолимиз зайли ҳамдир. Зеро, шундай замонлар ўтдики, халқимиздан бу мўътабар байрамни тортиб олмақчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллитимиз ёдидан ўчирмоқчи бўлдилар.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Наврўз наинки қайта қарор топди, айна чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўрилган янги қирралари намён бўлди.

Бу йилги байрам дийримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда - халқ сайли тарзида нишонланаётди.

(Давоми 2-бетда)



### ҚОЗОҒИСТОН

### ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 19 март куни давлат ташири билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 20 март куни бўлиб ўтади. Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар. Музокара якунлари бўйича икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ташриф доирасида пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтади.

ЎЗА

### XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент Ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Ахборот глобаллашуви ва миллий менталитет» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференциядан кўзда тутилган мақсад ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштириш борасидаги ислохотлар, қонунчилик базасининг такомиллашуви, миллий менталитет, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ахборотлашув йўналишида эришилган жаҳон тажрибаси ҳамда мамлакатимизда қилинган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ва режалар, ахборот глобаллашуви жараёнида унинг назарий ва амалий жиҳатларини муҳокама этишдан иборатдир.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида давра суҳбати ўтказилди. Унда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифалари ва имкониятлари мавзусидаги масала атрофлича кўриб чиқилди.

• Республикаимиз Конституциясининг 13-йиллиги арафасида Ўзбекистон кистин-қизлар қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида эълон қилинган «Бахтимиз қомуси» танлови якунланди.

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, ишбилармон доираларнинг вакиллари ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этди.

• Пойтахтимизда яна бир тўқимачилик қорхонаси — энг замонавий усқуналар билан жиҳозланган «Тошқаятестиль» қўшма қорхонаси иш бошлади. 100 фоиз хорижий сармоялар асосида фаолият бошлаган мазкур қорхона йилига 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни хорижга сотиш имкониятига эга.

### ЖАҐОНДА

• Олимлар ривожланган давлатларда яқин йиллар ичида инсон умрининг ўртача узунлиги 112 йилгача етишини таъкидлашмоқда. Мичиган университети тадқиқотчи олими Ричард Миллернинг айтишича, ҳозирги шароитда инсон умрини камида 40 фоизга узайтириш мумкин.


• Ливаннинг бош вазири Рафиқ Ҳаририй ўлими юзасидан текширув олиб бораётган БМТ комиссияси раҳбари Серж Браммерс Сурия ҳукуматини ҳамкорликка чақирди. Унинг БМТ Ҳавфсизлик кенгаши йиғилишида қайд этишича, расмий Дамашқ ушбу текширувларга яқиндан ёрдам берса комиссия ўз ишини тезроқ якунлайди.

• Европада Иқтисодий тараққиёт бўйича 4-ўринда турадиган Италияда ушбу соҳада яна жиддий пасайиш ҳолати кузатишмоқда. Мамлакат ҳукумати ўтган ой савдо камомади 10 миллиард 400 миллион еврога етганлигини маълум қилди. Бу мамлакат иқтисодийётида сўнгги 25 йил ичида қайд этилган энг паст кўрсаткичдир.

• Парижда «Ўзбекистон ҳазиналари: хунармандчилик санъати ва туризм» мавзусида кўргазма бўлиб ўтди. Унинг доирасида Ўзбекистон ва Франция Савдо-саноат палаталари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга бағишланган бизнес семинар ҳам ташкил этилди.

• Грециянинг жануби-шарқий қисмини табиий офат қамраб олди. Бу ердаги сув тошқини оқибатида сув босган қишлоқлардан одамларни кутқаришга ўт ўчирувчилар ҳам жалб қилинмоқда.

• Айни пайтда парранда гриппи Европа ва Осиё минтақаларининг 37 та мамлакатидида аниқланган. Ушбу вирус бошқа давлатларга ҳам кенг тарқалиб бораётганлиги унга қарши чоралар кўришни кучайтиради.



## ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕХР-САХОВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мухтарам отахонлару онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 15.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келади. Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди. Президент Ислон Каримов минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра майин най навоси таралади. Карнай-сурнай ва ногоралар садоси Наврўз сайли бошланганидан дарак беради.

Наврўз қадриятлари билан мамлакатимизда жорий йилнинг Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши ўртасида узвий боғлиқлик бор, десак асло муболага эмас. Зеро, Наврўз — ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат тимсоли. Ота-боболаримиз бундай кунларда етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилган, гина-қудуратлар унутилган. Буни ҳаётимизнинг барча жабхаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоеён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга қучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Истиқлол йилларида миллатимиз тийнатиға хос ана шу инжа ҳислатлар қайтадан қадр топди. Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, катталарга ҳурматда ва кичикларга иззатда бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари тикланмоқда, ривож топмоқда. Бу йил мамлакатимиз бўйлаб эзгу ва хайрли юмушларни амалга ошириш кўламлири тобора кенг тус олаётди.

Буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, ана шу бой меросга таяниб фарзандларимизни етук инсонлар этиб воғга етказиш борасидаги хайрли ишларимиз изчил давом этади. Илло, халқимиз катта тўйлар арафасида турибди. Жорий йилда юртимизда Соҳибқирон Амир Темура хазратларнинг 670 йиллиги, Маъмур академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёри-миз бўйлаб бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпқари, пойга, қураш, мерганлик каби томошалар ўтказил-

ган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этганлар.

Ранг-баранг ашула ва рақс, маком ансамбллари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли билим юртлари бадиий жамоаларининг ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, қўшиқ, лапар ва рақслари ижросида қадимий ҳамда навқирон байрамимизнинг ана шу хилма-хил, ноёб кирралари моҳирона акс эттирилади.



Ха, бугун Ўзбекистон аҳли қанча байрам қилса — шунчалар муносибдир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилётган кенг қамровли ҳаётбахш ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Утган давр мубайнида демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди.

Иқтисодий тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш; либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини эркинлаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, давлат ва нозораъ тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган йили бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Уз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Фикримизни тасдиқлагандек, дилбар қўшиқлару лобар рақсларда, ёркин сахна безакларида, байрам иштирокчиларининг хушнуд қиёфаларида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мам-

нуният туйғулари барқ уради. Буюк келажгимиз ворислари — навқирон авлод вакиллариға навбат келади. Майдон жажжи болакайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқларига тўлади. Шодон қўшиқлар ва чакқон рақслардан кўнгиллари яйрайди. Болалар табассумига не етсин. Зеро, бу бахтиёр болаликдан, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувнок дамларидан дарак.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбия-

ланмоқда. Наврўз кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлиши наинки икки дўст ва қардош мамлакат ўртасида, айна чоғда Марказий Осиё минтақасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари янги босқинга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз...

Ҳавода ранго-ранг шарлар учади. Ўзбекини, Ўзбекистонни мадҳ этувчи, ўзликни улугловчи яллалардан сўнг халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинлари мисолида халқимизнинг миллий ўзига хос фазилат ва ҳислатлари тараннум этилади.

Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилди. Бундай сайёҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар мужассамдир.

Она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз даҳлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувликини асраб-авайлашимиз ва янада мустақамлашимиз керак. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни остонамизга мутлақо яқин йўлатмаслик учун хушёрлики, огоҳлики, биргаликда курашишни асло сусайтирмаслигимиз даркор.

Кўз ўнгимизда Наврўзнинг асл моҳияти яна бир бор намоеён бўлади. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллари бадиий чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдиради.

Саҳна томошалари қизигандан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртини, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусикий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор сахна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Куй-қўшиқ ва алёрларда жонажон Ватан тараннум этилади. Бундай шукҳули дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек. Наврўз шодиёналарининг жозибаси, бутун кўрку таровати ҳам аслида шунда!..

Миллий боғ бўйлаб ўтган йўлак теграсида турли қандолат, ноз-неъмат дўқонлари, миллий хунармандлар расталари, чорпоёлар ўрнатилган. Дошқозонлар бошида пазандалар сайил ахлини сумалақ, ҳалим каби турфа таомлар билан сийлайдилар.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Ислон Каримов хунармандлар, савдо вакиллари, пазандалар билан суҳбатлашди.

— Баҳорни ҳар бир халқ ўз урф-одатларига хос тарзда кутиб олади, — деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда.

Наврўзда наинки табиат, айна чоғда кишиларнинг хис-туйғулари ҳам уйғонади. Кўнгида орзу-умидлар барқ уради. Наврўз юртимизда мана шундай шодиёна ва хайрли айём сифатида нишонланаётгани ўзлимиз, ўзига ҳослигимизнинг яна бир намойиши, аҳил ва иноқ халқ эканлигининг далолати. Эртанги кунимизнинг суръати, натижалари бугунгидан ҳам сермахсул ва ҳосиятли бўлади.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

**Ҳулом МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси**  
**СУРАТЛАРДА:** Наврўзи олам тантаналаридан лавҳалар.

**Дилшод Юсупов, Рўздат Жуманиёзов (ЎЗА)**  
олган суратлар.



Азиз ҳамшаҳарлар  
ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Барчангизни ўлкамизга  
файз-баракот ила  
кириб келаётган

# Наврўзи олам байрами

билан самимий  
муборакбод этамиз!

*Халимша хонадонингиз чароғон,  
дилларингиз нурафшон бўлсин!*



**«ТОШШАХАРНУР»**  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

**UzbekLeasing**  
International AO

Азиз юртдошлар!

Яшарини ва янгилашини  
айёми, фусункор


**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

билан чин юракдан  
қутлаймиз.

Ҳар бир хонадонга  
бахт-саодат,  
тинчлик-хотиржамлик  
тилаймиз.



ЎЗБЕКЛИЗИНГИНТЕРНЕЙШНЛ  
халқаро лизинг компанияси



Азиз юртдошларимиз!


Янги кун –

# Наврўзи олам

шукуҳи муборак бўлсин!

*Дилларингизни меҳр-оқибат,  
бахорий илқлик ва тинчлик  
асло тарк этмасин.*

*Кириб келган ғирбоқий  
байраминиздаги ҳўш кайфият  
оилангизга йилбўйи ҳамроҳ бўлсин.*



**«НОРУДА»**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

# «Меҳрли-савдо»

шўъба корхонаси  
маъмурияти ва жамоаси


*Барча ҳамшаҳарларимиз,  
шў жўмладан Қариялар  
ва Меҳрибонлик ўйлари,  
ижтимоий соҳа, мактабгача  
таълим муассасалари  
хўдимлари ва тарбияланувчиларини  
қадриятларимиз сарчашмаси,  
энг қадимий ва халимша  
навқирон*

# Наврўзи олам

*байрами билан  
чин кўнғилдан табриклайди.*

*Ишларингиз ва ўқишларингизда ривож,  
мустаҳкам соғлиқ-саломатлик,  
саховатли ҳўмийларимизнинг  
доимо омон бўлишини  
тилайди.*

*Чехрангиздан кулгу сира  
аримасин, азизлар!*



*Хурматли ҳамшаҳарлар, мустақил  
ватанимизнинг марғ ўғлонлари!*

# Наврўзи олам байрами муборак бўлсин!

*Яшарин ва эзгулик айёми  
ҳар бирилишнинг оиламизга  
бахтли-саодатли кунларни  
бахшида этсин, юртимиз тинч,  
хонадонларимиз осойишта бўлсин.*

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг  
Тошкент шаҳар Кенгаши**



## «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*барча  
юртдошларимизни гўзал  
ва фусункор айём –*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан чин юракдан  
қутлайди!*



*Доимо соғ-омон бўлинг,  
ишларингиз бароридан  
келсин, ҳуш кайфият  
ҳеч қачон сизларни тарк  
этмасин, азизлар.*



Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
савдо, хизмат кўрсатиш  
соҳаси ва халқ истеъмоли  
моллари ишлаб чиқариш  
департаменти

ҳамшаҳарларимиз  
ва пойтахтимиз меҳмонлари, савдо,  
умумий овқатланиш ва маиший хизмат  
кўрсатиш корхоналари жамоаларини  
қалбларимизга яратиш, яшнатиш, меҳр-  
оқибат туйғуларини солиб кириб  
келаётган умрбоқий байрам —

*Наврўзи олам*  
билан чин  
дилдан қутлайди.

Айём шодиёналари тўкин дастурхон  
атрофида хуш кайфият билан ўтишини тилар  
эканмиз, биз ҳамиша ҳамшаҳарларимиз  
ва азиз пойтахтимиз меҳмонларига хизмат  
кўрсатишга, уларнинг дилларига хушнудлик  
бахш этишга тайёрмиз.



*Айёмнингиз кўнглини қутсин!*



## Азиз ҳамшаҳарлар!

«Ипотекабанк» АТИБ Меҳнат филиали Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди. Саховатли ва бетакрор юртимиз қудрати, эл ободлиги, фарзандлар камоли йўлидаги фаолиятингиз сермахсул бўлишини тилаймиз. Наврўз файзли хонадонингизга тинчлик, тотувлик, файзу барака, хуш кайфият олиб келсин. Ватан мустақиллиги абадий, осмонимиз мусаффо, йўлимиз мунаввар бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, «Ипотекабанк» АТИБ Меҳнат филиали Сизларга қуйидаги хизмат турларини кўрсатишдан мамнун эканлигини билдиради:


1. Уй-жой харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш.
2. Жисмоний шахсларга маиший техника ва уй-жой жиҳозлари харид қилиш учун истеъмом кредити бериш.
3. Жисмоний шахслар учун фоиз ставкалари йилига 20 фоиздан 35 фоизгача бўлган қўйилмалар.
4. Тўловнинг замонавий усули — сўмдаги пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш.

Мазкур хизмат турлари ҳақида тўлиқ маълумотга  
эга бўлишни истасангиз,


Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси,  
9-уйда жойлашган «Ипотекабанк»

АТИБ Меҳнат филиалига  
муурожаат қилишингиз мумкин.

Телефонлар: 133-92-75,  
133-27-24, 133-62-18.



Мухтарам ҳамшаҳарлар!  
Сизларни кириб келаётган қутлуғ  
Наврўзи олам  
билан самимий қутлаймиз.  
Дастурхонимиз файзли,  
осмонимиз тиниқ, кунларимиз  
осойишта ва фаровон бўлсин.



**UZBEKTELECOM**  
TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I FILIALI

**КАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, АЗИМ  
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Сизларни юртимизга  
файз-барака, хонадонларимизга  
қувонч ва осойишталик бахш этиб  
кириб келаётган эзгулик  
ва ҳамжиҳатлик элчиси бўлмиш

**Наврўз** байрами билан  
энг эзгу тилаклар  
ила муборақбод этамиз.

Шифоқорлар  
ва ҳарбийлар йилига  
сўғай-саломатлик, оилавий  
бахш қонлиқ ҳадроҳимини  
бўлсин!



Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси

Азиз юрtdошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

# «ИФФАТЛИ КЕЛИН»

ўқув маркази

сизларни баҳор байрами —

## Наврўзи олам

билан чин дилдан табриклайди.

Халқимизнинг энг азалий шодиёнаси бўлмиш бу кун хонадонингизга хуш кайфият ва фаровонлик олиб келишига тилақдошмиз. Умрингизнинг ҳар лаҳзаси қувонч ва шодликларга тўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Яхши истакларни билдирган ҳолда «Ифбатли келин» ўқув маркази давримизнинг бахтли ва баркамол гўзаллари бўлган Сиз азиз хотин-қизларни ўқишга таклиф этади.

Оилавий турмуш тажрибаларини бошидан кечирган билимдонлар сизга сабоқ беришади.



Келинг, хунар ўрганинг, эшикларимиз сиз учун ҳамиша очик.

Серқуёш ўлкамизнинг азиз меҳмонлари ва қадрли ҳамшаҳарлар!

Эзгулик, нафосат, қадр-қиммат ва боқий қадриятлар тўғриси

# Наврўз

байрами муборак бўлсин.

Ҳотинлар ва шифокорлар йилда қулғ айём ҳар бир хонадонга омонлик, бахт-саодат, тинчлик-осойишталик, болаларимизга қувонч шодлик олиб келсин.

Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси




Ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Сизларни янгилашиш, яратувчанлик ва меҳр-мурувват айёми —

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этамиз.

Ҳамиша хонадонингизга хотиржамлик, фаровонлик, оилавий бахт ва соғлиқ-саломатлик тилаймиз



Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими

НАВРЎЗ

НАШИДАСИ

Наврўз байрами йилдан-йилга янги аъналар билан бойиб бормоқда. Серкуёш дийримишга кишиларга олам-олам қувонч бахш этиб Наврўзи олам кириб келди. Она табиат гўё янгидан тугилгандай. Бутун борлик — поёнсиз далалар, бог-роғлар ўзгача либос, ўзгача тароватда. Қир-адирлар жамоли кўзни қувонтиради. Сахий тупрок бағридан типирчилаб, антикиб майсалар униб чиқмоқда. Шовиллаб оқаётган анҳор лабларидидаги кук ялпиз, тўда-тўда бўлиб очилган бинафшалар ҳар бир дилни мафтун этади. Булар — Наврўзнинг ораз, гўлгун чехраси, саодатли ўлкамизнинг баҳори. Дилларда бир олам қувонч, чехраларда табассум, ҳамма

Наврўз келди...

ЯШАРИШ ВА БУЊЁДКОРЛИК БАЙРАМИ

ЮРТИМИЗГА БУТУН ГЎЗАЛЛИГИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИБ, ФАСЛАР КЕЛИНЧАГИ БАҲОР КИРИБ КЕЛДИ. ИЛИҚ МАРТ КЎЁШИ ҚИШ УЙЎСУИДА ЁТган БУТУН ТАБИАТГА УЛУҒВОРЛИК, БЕҚИЁС ЧИРОЙ БАХШ ЭТМОҚДА. ОПОҚ ҚОР БИЛАН ҚОПЛАНГАН БАЛАНД ТОғЛАР ЭТАГИДАГИ ҚИР-АДИРЛАР ЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАНГАН. ИЛК БАҲОР ЧЕЧАКЛАРИ МАЙИН ШАБАДАДА АСТА ТЕБРАНАДИ. БОғЛАРДА, ЭКИШ МАЙДОНЛАРИДА ИШ АЛЛАҚАЧОН ҚИЗИБ КЕТГАН.

жойда шодиёналик, тўй-тантана, баҳор байрами. Уни бутун жонли мавжудот, табиат орзиқиб кутади. У нур тантанаси ва булбул навоси байрами, дехқончилик байрами, қалдирғочлар парвози, шилдироқ сув овози ва тоғу далалар ясанган бахмал кўкат ҳамда чечаклар нози байрами. Табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида вужудга келган муҳим тарихий аъналардан бири Наврўзни байрам қилиш, нишонлаш тўғрисида Шарқнинг буюк алломалари Бобоқалонларимиз Абу Райҳон Бериунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий» ва «Ат-Тафҳим» асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнама», Маҳ-

муд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида шунингдек, Алишер Навоий, Маълону Лутфийларнинг асарларида қизиқарли маълумотлар берилган. Жумладан, файласуф олим Умар Хайём ўзининг «Наврўзнама» асарида Наврўз байрамини ўтказишнинг турли тартиб-қоидалари тўғрисида сўз юритган. Унда айтилишича, «уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш» оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган.

Наврўз тантаналари, сайиллари яшил табиат кўнида, гўзал тоғ ёнбағирларида, қир-адирларда оммавий сайиллар ташкил эти-

лиши айниқса, мароқли ва мазмунлидир. Наврўз фақат дам олиш, хордик чиқаришгина эмас, шу билан бирга кутлуг байрам, инсонлар орасида ахиллик, уюшқоқлик, меҳр ва мурувват, меҳр-шафқат, миллатлар ўртасида мустақкам дўстлик уруғларини сочади, ёшларда инсонийлик туйғуларини, меҳнат кўникмаларини шакллантиради.

Наврўзи айёмга етишмоқ учун Қалбларда тўлғонди ширин ҳиссиёт, Бойчечакни суриб нур бахш кўзларга, Нуроний кексалар севиная беҳад. Хозирги кунда халқимиз ўтмиш авлодлардан мерос қолган бу аънани баҳор, меҳнат, бунёдкорлик, яшариш, бахт ва ёшлик байрамини сифатида кенг нишонлайди. Чунки халқимиз азалдан баҳор фаслини меҳр, ўзгача хуррамлик билан табиатнинг уйғониш рамзи сифатида мадҳ этиб келади.

Табиат уйғонди сени соғиниб, Ялпиз кўкатлардан сомсалар ёпиб, Сумалак таъмин қўйсалар, энтикиб, Наврўзим, мен сени соғиндим бу кун! Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Иқтисодиёт

ТЕНДЕРДА ФОЛИБ БЎЛДИ

МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА СИФАТГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРГАН «РОСРАРЕР» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАТБААЧИЛАРИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИБ, 100 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ФОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Ушбу корхонанинг иш бошлаганига икки йил бўлди. Дастлабки йилда корхона цехларини лизинг асосида харид қилган дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратган матбаачилар утган йилдан бошлаб бюортмаларни муваффақиятли адо этмоқда. Корхонада Германиянинг «Хейделберг» компаниясининг босма машиналари ёрдамида турли матбаа нашр маҳсулотлари чоп этилмоқда.

Матбаачилар томонидан тайёрланаётган китоблар, этикетка ва плакатлар, буклет ва бошқа матбаа маҳсулотлари сифатида қаратилган алоҳида эътибор бюортмачиларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Давлат корхоналари, олий ўқув юртлири жамоалари билан ўзвий алоқани йўлга қўйганимиз, — дейди корхона раҳбари Абдурашид Фафуров. — Шу боис ҳам уларнинг бюортмаларини ўз вақтида ва сифатли адо этишга эришяпмиз. Шунингдек, россиялик ҳамкорларимиз билан ҳам муносабатларимиз мустақкамлашиб бормоқда. Ушбу алоқа тўғридан-тўғри сифатли хом ашё билан таъминланишимизда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамоада 18 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар учун яратилган қулай шарт-шароитлар меҳнат самардорлиги ва маҳсулотлар сифатида акс этмоқда.

ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛДИ

ШУКУҲЛИ НАВРЎЗИ ОЛАМ АРАФАСИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ЯНА БИР КОРХОНАНИНГ ИШ БОШЛАШИ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ.

Сергелиликларга ажойиб байрам тўғриси бўлган «Рамел-тэкстил» масъулият чекланган жамияти хорижий сармоялар ҳисобига ташкил этилиб, низоом жамғармаси 600 АҚШ долларидан ортиқдир. Энг муҳими эса ушбу корхонада маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йилига 350 тонна пахмоқ газлама ва 210 мингта халат тайёрлаш қувватига эга бўлган корхона цехлари замонавий хорижий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, хозирда бу ерда 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этиб, мана шундай замонавий дастгоҳларни бошқариш учун махсус курсларда ўқиб, малака оширганлар.

Корхонада ил йиғиридан тортиб, уни тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган барча жараёнлар сифатли ва рақобатбардош, жажон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган. Ушбу маҳсулот эса Болтиқбўйи ва Россия давлатларига экспорт қилинади. Шуниси қувонarliки, эндигина фаолият бошлаган корхона тadbirkorлари Россия Федерацияси билан жуда катта экспорт шартномаси тизмоландилар.

Йил охиригача корхона цехларига яна 6 та замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатиш режаланган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида яна 150 нафар қўшимча ишчи ўринлари яратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Санъат

ХАЛҚ СЕВГАН АНСАМБЛЬ

ХАЛҚИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГУРУҲИ «ЯЛЛА» АНСАМБЛИ ИШ БОШЛАГАНИГА 35 ЙИЛ БЎЛДИ. ЭЪЗАБЕ МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИНИНГ ФАОЛ ТАРБИВОТЧИСИГА АЙЛАНГАН БУ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТ РЕПЕРТУАРИ ЙИЛЛАР ЎТИШИ БИЛАН ЯНГИ-ЯНГИ ТАРОНАЛАР БИЛАН БОЙИДИ.

Муҳлислар шувовоз санъаткорлар ижросида янграган «Қизбола», «Андижон полькаси» каби жозибадор қўшиқларни яхши эслашди.

Ўзбекистон халқ артисти Фаруҳ Зокиров раҳбарлигида юзага келган кўплаб эстрада қўшиқлари ансамблининг чет эл гастроллари дастуридан ўрин олди.

«Ялла» жорий йилда ҳам ўз муҳлисларини оммабоп қўшиқлар билан мамнун этади. Ўттиз беш йиллик сана муносабати билан тайёрланган концертда ҳам бундай тароналар маҳорат билан ижро этилади.

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИНИ РИВОЖЛАШТИРИШДА ТАНИҚЛИ РУС КОМПОЗИТОРЛАРИ ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТИДЛАР. ШУНДАЙ ФИДОЙИ САНЪАТКОРЛАРДАН БИРИ БОРИС НАДЕЖДИНДИР.

Республикада яшаб, самарали ижод қилган бу санъат арбоби Ўзбекистонда миллий бастакорлик мактабини яратишга ҳам катта ҳисса қўшди, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг устоз педагоги сифатида кўплаб шоғирдилар тайёрлади.

Композитор ижод қилган мусиқа асарлари турли концерт дастурларидан ўрин олди. «Она қўшиғи», «Хотирот», «Тўрт қўшиқ» каби мусиқалари ҳам ижро этиб келинмоқда. Ана шу устоз санъаткор таваллуд топаганига юз йил бўлди. Шу сана муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида юбилей кечаси ўтказилди.

Композитор басталаган ижод намуналаридан иборат концерт дастури ҳам кечда ижро этилди.

ОРКЕСТРНИНГ НАВБАТДАГИ КОНЦЕРТИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА БИР НЕЧА ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. МУСИҚАЛИ ТЕАТР СТУДИЯСИ ҲАМ ЯХШИ ТАНИЛИБ ҚОЛДИ.

Мазкур студия ҳузурда ташкил этилган симфоник оркестр концерт репертуари янги-янги асарлар билан бойиб бормоқда. Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигида ташкил этилаётган концертлар ҳам муҳлислар томонидан яхши кутиб олинмоқда.

Яқинда уюштирилган навбатдаги дастур ҳам оркестр томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Ундан ўзбекистонлик бастакорларнинг симфоник асарлари ҳам ўрин олди. Янов-Яновский, Борис Гиенко, Борис Надеждин каби рус композиторларининг сара ижод намуналари ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ақбар АЛИЕВ

Байрам мушоираси

Жуманӣз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ОЛАМ ЧЕХРАСИДА ЯШИЛ ТАБАССУМ

Ланг очди ойинасин жаҳона Наврўз, Олам чехрасида яшил табассум. Менинг ҳам кўксимда битта гўзал сўз Аста гулламоқда дилбар ва масум.

Жумла мавжудодда ажиб ҳаракат, Товлашиш, нозлашиш, ранг жимжимаси. Юрагин дол очиб сўзлар табиат, Сен билан сеним қолсанг...бунинг нимаси?!

Қолайин? Меҳрим мавжиди бўлма этар эдим нақши. Чўққимнинг юксак авжиди эга қўшиқлар этар эдим бахш...

Сен рубарўмдан чиқди бир сулув, Қўлатум сув билан ютудек санам. Жоним, бағриндан ҳароватни кув, Кўнглим, ҳузурни тарк айла сен ҳам!

Олам бир муаттар ҳисларга тўлди, Раваши тортиб беҳад борлиқ жамоли. Бу ажиб, ногаҳон таширф не бўлди? Бу қандай самовий кўрат шамоли?

Бундай гўзаллик қачон тегмасин кўз, Энгил қўлларим бахш эт қаламга, Қўлларим бахш эт қаламга, Қўлларим бахш эт қаламга. —

Қўлларим бахш эт қаламга, Қўлларим бахш эт қаламга. —

НАВРЎЗНИ СОҒИНГАН НАВРЎЗГА ЕТСИН

Садодан сўранг, Садодан сўранг, Садодан сўранг, Садодан сўранг, Садодан сўранг, Садодан сўранг. Наврўзга етсин.

Ерга тўла тўла эрга талпинар, Тулпорлар билан қирга талпинар,

Булуғт ёмғир бўлиб ерга талпинар, Наврўзни соғинган Наврўзга етсин.

Иши урган майсалар нажот устунни, Кун келар гуллашар бағри бутунни, Қаргалар қоғирини қолмиш кукунни, Наврўзни соғинган Наврўзга етсин.

Саболар беланчак оёди шоҳларга, Ҳилол ҳасад қилар ерда моҳларга. Булуғт гулни чорлар хуш гуноҳларга, Наврўзни соғинган Наврўзга етсин.

Дарди борга дармон бойчечак номни, Уриклар гулда баҳор саломни, Қўшиққа айланар кўнгли қаломни, Наврўзни соғинган Наврўзга етсин.

Наврўз келаверар биз бўлмасак ҳам, Бу бизнинг баҳордир, биз етган кўжлам, Маҳмуд, шеърда шукринг эшитсин, эгам, Наврўзни соғинган Наврўзга етсин.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ... Изғирни бўшашиб, тоғларга қочиб, Гунчалар ҳижоибни очиб, гул очиб. Мағрибу машриққа соқисин соқиб, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Хуш, майин эсганда, бол аралаш ел, Озод, шод онларга эришганда эл, Тортилган калмондек, тортилганда бел, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Усмир теракларнинг баргида зар нур, Оқ қайиннинг кўкси яна тортиди ҳур. «Калип»-га тушмоқда, чач-чач-лаб булуғт, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Пушқинни етаклаб, байрам сайр этар, Улжас Сулаймонга Эркин май тутар. Жаҳон шоирларин Абдулла кутар, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Ёд айлабон Расул Ҳамзат тоғани, Каломин соғиндик Чингиз оғани. Қабриб безаб, Зуфилдек оғани, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Дунё, дунёмиди, кутиб олмас, Халқчил дошларин тугиб қолмас. Қисматлар лойини ҳасад қормас, Яна баҳор келди, кутиб ол Дунё!

Турсун МУҲАММАД

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҚАЛБИНГДА КЎЁШИНГ БЎЛСИН

ХАЛҚИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, ИНСОФ-ДИЁНАТЛИ, САВОБ ИШЛАР БОШИДА ТУРИШНИ ХУШ КЎРАДИГАН, МЕҲМОЊЎСТ ХАЛҚ. БУНГА ИСТАГАНЧА МИСОЛ КЕЛТИРИШ МУМКИН. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ БИРГИНА ЎТган СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР, МЕҲР-МУРУВВАТГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР, НОГИРОНЛАР, КЕКСАЛАРГА КЎРСАТИЛГАН МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁРДАМНИНГ ЎЗИ ТАҲСИНГА САВОРДИР. СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН «ГУЗАР СЕРВИС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ РАҲБАРИ МУЗАФФАР ТУРҒУНОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҲАМ ҲУДДИ ШУ МАВЗУДА БЎЛДИ.

рамларда моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиб келинмоқда. Фаолияти-мизни аввало туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши, туман ФХДЁ мудири Арофат Тоҳирова, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг туман кенгаши раҳбари Аваз Исмоилов, Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Қўблужон Расулновлар билан ҳамкорликда олиб борамиз.

Мана Ҳомийлар ва шифокорлар йилини ҳам хайрли мақсадлар билан бошлаб юбордик. Йилимизнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бу йил савобли, ҳомийлик юмушларимиз икки ҳисса кўпроқ амалга оширилади, деб ўйлайман. Беминнат, кўнгилни кўтарувчи совғаларимиз аллақачон ўз эгаларига етиб борди. Тобора яқинлашаётган кадр-қиммат айёми — Наврўз байрамидега эса ногирон, ётиб қолган кекса, касалманд инсонларнинг уйларига бориб йўқлаб, катта байрам дастурхони ёзиб ҳеч кимнинг эътибордан четда қолмаслигига ҳаракат қиламиз. 675 нафар болажонларнинг суннат тўйини ўтказиш режамиз ҳам бор.

Хайр-эхсон юмушларидан кўнгли яйраб, яна кўпгина эзгу юмушларга камарбаста бўлишга бел боғлаган бу инсонга тўғриси ҳавас қилдик, бу йўлда асло чарчамасликни тилаб, ният билдирдик. Шу ўринда француз ёзувчиси Ромен Ролланнинг «Одамларга нур улаштириш учун қалбингга қўёшинг бўлсин» деган сўзлари беихтиёр хаёлдан ўтади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Бахт уйи» гузариде бўлиб ўтган байрам тadbирларидан лавҳалар.



БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

ЭНГ ҚАДРЛИ, ШУКУҲЛИ ВА ТАРОВАТЛИ МЕҲР-ОҚИБАТ, МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН НАВРЎЗ АЙЁМИ НАШИДАСИ БАРЧАНИНГ ҚАЛБИГА ХУШ КАЙФИЯТ, ШОДЛИГУ ҚУВОНЧ УЛАШМОҚДА. СОҒИНЧА-ЛА КУТган НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ ҲАМ БОШЛАНДИ. ПОЙТАХТИМИЗДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ ТАРЗДА НИШОНЛАНИШИ ҲУСУСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ РАВШАН ШАМСИЕВ КЎЙДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.



— Айтиш жоизки, Наврўзи олам байрамлар ичида халқимиз учун энг қадрли ва сукулдир. Унга тайёргарлик қўриш ва юқори даражада ўтказиш мақсадида махсус республика комиссиясининг қарорига мувофиқ ташкилий ва ижодий гуруҳлар тузилди.

Хар йилдагидек, умумхалқ сайиллари пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Фағур Гулом номидаги ҳамда бошқа маданият ва истироҳат боғларида ўтади. Ушбу масканларда байрам кунлари 100 дан ортиқ уйингоҳлар дам олувчилар хизматида бўлади. Шаҳримиз истироҳат боғлари ва майдонларида ташкил этилган 16 та сахнада бош режиссёр Р.Қодиров ва драматург Э. Хушвақтов томонидан тайёрланган театрлаштирилган байрам дастурлари ҳам намойиш этилади.

Бу йилги байрам дастурларида миллий кадриятларимизга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, фольклор-этнографик гуруҳларнинг «Момолар Наврўз томошаси», «Сумалак-сермалак», «Саломатлик — умр гарови», «Янги кун қўшиғи» мавзуларидаги сахна чиқишларида аждодларимизнинг табиат, жамият ва коинот ҳақидаги илмий-фалсафий қарашлари, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлар, халқ оғзаки ижодиёти мушоиралари ўрин олган. Шунингдек, сеvimли эстрада хонандалари, айниқса «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари ҳам ўзларининг шўх, дилрабо қўшиқлари билан пойтахтимиз ахли ва меҳмонлари қалбига бир олам завқ улашди. Бу дастурларда 420 дан зиёд хаваскор ва профессионал артистлар қатнашиши кўзда тутилган. Булардан ташқари, байрам кунлари турли миллий спорт ўйинлари, хўроз уриштириш, варрак учуриш, расм чизиш кўриклари ўтказилади, шунингдек ҳар хил кўргазмалар намойиш этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йили ҳам санъаткорлар қадимий аъналаримизни ифода этган ҳолда эртак қаҳрамонлари сиймоларида Наврўз умумхалқ байрами шиори билан «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан тақдим этилган автоуловларда маҳаллалар, кўча-майдонларни кезиб, қарнай-сурнай садолари остида ҳамшаҳарларимизни байрам томошаларига чорлаётганлари диққатга сазовор бўлмоқда.

Уйлаймизки, Наврўз шодиёналари барчамизга бир олам қувонч ва шодлик, фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.

ОЗ-ОЗ ҲУНАИД ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Азизим, киши ганимга мубтало бўлса, то ундан қутулмагунча кечани-кундуздан, кундуз-ни эса кечадан ажрата олмайди. Чунончи айтадиларки, бемор тузалиб кетмагунча емиш неъматидан баҳра тополмайди, мард киши ўз душманларидан қутулмагунча хотиржам нафас ололмайди. Байт:

Ботир бўл, майдоннинг соҳиби—ботир, Тулки дадил бўлса шерни қулотири! Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ Бехуда кишига қасд қилмоқ, Бехуда ўзни ҳалокка солмоқ.

УВАЙСИЙ

Бир кишига «сен» деганингдир чу тиг, Яхши сўзунг қилма кишидан дариг.

Саид КОСИМИЙ

Яхшилик эт эмдики дастинг етар, Яхши-ёмон ҳар наким қилсанг ўтар.

Саид КОСИМИЙ

Дўсти бор кишилар эмасдир ғариб, Уйдан юз фарсанг узок бўлса ҳам.

Ўз шаҳрида дўстсиз бўлганлар ғариб, Бошидан аримас бир зумгинга ҳам.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

АҚЛ, АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ, ДОНОЛИКНИНГ ФОЙДАСИ ҲАМДА НОДОНЛИКНИНГ ЗАРАРИ

Инсоннинг шарафи ақлдан маҳкам, Ундан обрў толар ҳар қандай одам!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақлдурад.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Нечаки хирад ичра бўлса ками, Йилондин ямонроқ эмас одами.

НАВОИЙ

Ақлу идрок ила қилган машварат ҳар корга,

Бўладур бемаслаҳат иш онча

душвор, эй кўнгул.

Ақл вазирдур, ҳар қашан йўл бошласа ҳамроҳ бўл,

Ҳар сўз айтса сўзига сен қилма инкор, эй кўнгул.

МУАЗЗАМХОН

Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур, Йўқдур анга фақру фано, ким оқилдур.

НАВОИЙ

Айтишларича, ҳар нарса ақлга муҳтож. Ақл эса тажрибага муҳтож. Ақл билан тажрибани аллоқаси сув билан ерининг аллоқаси кабадир.

Сув билан ер узаро бирга бўлмаса, ерда бирор нарса униши маҳол!

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Ки ақл, тадбир била айлагил кор, Буларни бил, бўлур ҳар вақтда даркор.

САЙКАЛИЙ

Энг ақли киши шундай кишики, ўз нафсига ҳокимлик қила олади. Тирикликда у шундай бир иш қиладики, бу қилган иши ўлгандан кейин ҳам уни тириклар қаторида олиб юради.

Энг аҳмоқ одам шундай одамки, нафси қаёққа бошласа, ўша ёққа кетаверади... Улганимдан сўнг одамлар мени кечиради, деб ўйлайди.

«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»

Барча инсонлар ақлга муҳтождир. Ақл эса тажрибага сунанади. Чунки тажриба ақлнинг ойнасидир. Ҳаётини тажриба кўп умр кўриш натижасида пайдо бўлади.

КОШИФИЙ

Билим дарёсининг гавҳари ақл, Оз бўлса ҳам ундан етар кўп фойда!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган тугма қувват-руҳий куч билан боғлиқдур.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Лукмони ҳақим айтди: — Кишининг ақли шараф ва улғулик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса, айблари яширин ва дўстлари ундан рози бўлади.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Кундан-кунга саодатли бўлай десанг, қанчалик доно бўлмагин, бари-бир ўзингни нодон деб тасаввур қил! Шунда кўпроқ ўқиб, донороқ бўласан. Илмини эса ўз жойида сарф қил.

«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»

Мард элига ўзгача ойна керак, Қавлигау феълига таҳсин керак. Ақлинг агар сенга бўлса раҳманун, Жисминг аро жон эрур ул кофу нун.

НИШОТИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган



Кадриятларимиз

МЕҲР - МУРУВВАТ АЙЁМИ

НАВРҮЗ — ЯНГИ КҮН ДЕМАҚДИР. НИМА САБАБДАН ГУЛЛАР ОЧИЛГАН, ЛОЛАЛАР ҚУЛФ УРГАН АПРЕЛЬ ЁКИ МАЙ ОЙИ ЭМАС, 21 МАРТ ЙИЛ БОШИ ЯНГИ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КҮНИ, ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН?

Демак, бундан 3-3,5 минг йил олдин яшаган авлодларимиз билимдон ва ақл-фаросатли бўлишган. Йўқса, кун билан туннинг тенглашиши, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, иссиқ ховур кўтарилиб, табиатда уйғониш, янгиланиш бошланиши, булок ва сойлар, қўл ва дарёлар сувининг таъми, оқими ва ранги ўзгариши бунчалик синчковлик билан ажратиб, ҳисоб-китобни қўйиш мумкин бўлмаган бўларди.

Айнан шу кун кеча билан кундуз 12 соатдан бўлиб, кундуз бир тўрғай қадами ҳисобида узая бошлади. Бошқача қилиб айтганда, йил ҳисоби деб аталган ва Наврўзнинг бошланиши ҳар йили айнан бир вақтда, қуёш ҳамал буржига кириши дақиқаларидан ҳисобланган. Ой ҳаракатига қараб ҳисоб олинган йил ҳисоби эса, қамарий деб номланган ва Рамазон, Қурбон ҳайитлари шу йил ҳисобида юритилганидан, турли фаслларга тўғри келадиган бўлган.

Наврўз шунчаки кеча-кундуз тенглашган, янги йилнинг биринчи кун бўлганидан эмас, одамларнинг орзу-тилаклари,

ният ва режалари мужассамлашганидан, бўлажак ҳосилга замин ҳозирланиб, уруғ сочмоқ учун далага қўш чикқан кун бўлганидан ҳамма бу кунни интизорлик билан кутган ва шодӣналик билан байрам қилганлар.

Қолаверса, байрам баҳонасида рутубатли қиш кунларидаги, одамлар дийдорлашиб, бир-бирини баҳорнинг илк чечаклари билан табриқлашиб, яхши орзу-тилақлар тилашган, борларини дастурхонга қўйиб, баҳам кўришган. Фаровонлик рамзи сифатида байрам дастурхонига бурдой, арпа, нўхат, ловия, жўхори, мош солиб пиширилган гўжа тортилган, сумалак ва ҳалим эса байрам дастурхонининг кўрки сифатида эъозланган. Аслида, бундай таомларга ҳурмат ва эҳтирмнинг бошқа сабаби бор. Илк баҳорда силласи қуриган, илгидан мадори кетган, дармонсиз бўлиб қолган, қонида ҳаёт учун зарур моддалар етишмаган кишиларга бу таомлар жон озиғи бўлиб куч-қувват, яхши кайфият бағишлаган. Мана халқ қўшиқларида сумалак қай даражада улғунлади:

Лола гул алвон-алвон,

Сумалак йиғар дармон.

Сумалак емай қолган,

Бир умр қилар армон.

Бутун ҳам бирор хонадон йўқки, Наврўз айёмида сумалакдан баҳраманд бўлмаса. Шу боисдан ўзбекининг тўй-маъракаси паловсиз ўтмаганидек, Наврўз ҳам сумалак ва ҳалимсиз бўлмай-

ди. Тўғри, дастурхонга турли пишириқ ва ширинликлар ҳам тортилади. Лекин, сумалак билан ҳалимнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Инсоннинг уйғониш даври халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам Наврўзга тенглаштирилади. Наврўз ва ёшлик эгизак тушунчалар сифатида қўлланилади.

Жуда қадим замонлардан бери нишонланаётган Наврўз байрами моҳиятига кўра табиат билан баҳорнинг никоҳ тўйидир. Наврўзда ўтказиладиган сон-саноксиз маросимларнинг асосий мақсади ҳосилдорлик ва серпуштлиқка қаратилган — деб ёзган эди таниқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Аскар Мусоқулов ўзининг «Ўзбек халқ лирикаси» китобида.

Халқимизнинг Наврўзга интизорлик билан кутиши, йилнинг энг катта ва мўътабар байрами сифатида шодӣнага айлантирилишининг боиси ҳам ана шунда. Наврўз шунчаки йил боши эмас, йил қувончларининг сарчашмаси, йил давомида етиштирилган мўл ҳосил ва кўтарилажак хирмонларнинг тағи-замини. Шунинг учун ҳам аждодларимиз бу кунни муқаддас сана сифатида улғунлашган, олқишлаганлар.

Наврўз меҳр-мурувват рамзи ҳамдир. Наврўзда барча меҳрга ташна кишиларга меҳр, саховат улаштишга шошадилар. Бу ҳам бўлса халқимизга хос аҳойиб, юксак фазилатлардан биридир.

Наврўзимизга тош отилган йиллар ҳам бўлди. Лекин халқимиз уни қафтида сақлаб қолди.

Мана, диёримизга келинчақдек бозаниб, қўшганимиз Наврўзи олам кириб келди. Наврўзимиз келсин.

ИБ

Санъат

БАЙРАМ ҚҶШИҚЛАРИ

НАВРҮЗ БАЙРАМИНИ БАСТАКОР ВА ШОИРЛАРИМИЗ ҲАМ ДИЛРАБО ҚҶШҚИҚЛАР, ЯНГИ ШЕЪРЛАР ЯРАТИБ ҚҶТИБ ОЛИШМОҚДА.

— Қўтулғу айёмни шоду-хуррамлик билан қўтиб олмақдамиз, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Наврўзи олам бу шукўҳли айёмда муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатилади, гина-қудуратлар унутилади. Биз бастакорлар ҳам халқимизга янги қўшқиқлар яратиш билан байрамга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Ўйлаймизки, иланишларимиз самараси халқимизни хушнуд этади.

Чинданам ҳозирда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида иш қизғин. Ўзбек бастакорлари шоирлар билан ҳамжиҳатликда янги қўшқиқлар яратдилар.

Жумладан, Йўлдош Муқимов шеъри Баҳрулла Лутфуллаев кўйи асосидаги «Салла-но айтай Наврўзи», Назармат шеъри Рустам Абдуллаев мусиқаси билан «Наврўзим», Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллоев шеърлари Дилором Омонуллаева, Рустам Абдуллаев кўйлари билан янграйдиган «Бухоро баҳори» ва «Булбул навоси» қўшқиқлари, шунингдек, бастакорлардан Ҳабибулла Раҳимов, Алишер Икромов, Алишер Расулов билан басталаган маҳсус ёзилган бир қанча қўшқиқлар Наврўз байрамига бағишланган.

Гулчехра ДҶРДИЕВА

НАВРҮЗ — ТҶН БИЛАН КҶННИНГ ТЕНГЛАШИШИ. НАВРҮЗ — ЯРАТУВЧИЛИК, БҶНЁДКОРЛИКНИНГ ЙИЛ БОШИ — ДЕБОЧАСИ. НАВРҮЗ — БАҶОР, ШОДЛИК ВА ГҶЗАЛЛИК БАЙРАМИ — САРБОШИ.

Аллома Абу Райҳон Беруний таърифига кўра Наврўз «Авесто»да ҳам тилга олинган. Бу қўна ёзма манбада инсониятнинг ҳаёт-мамоти сув, тириклик, гўзаллик ва меҳр-муҳаббатга қўйиш, сув, ҳаво, тупроқ ва олов эмалдош бўлгандан кейин баҳорий кўнлар бошланиши — фаровон турмуш тарзи ибтидоси тараннум этилган.

Наврўз — баҳорнинг, яшаришининг илк дебона байрами сифатида нафақат Шарқда, балки қурраи замин миқёсида тан олинган байрамдир! Дарҳақиқат, Наврўз айёми аънаваларининг мазмун-моҳияти, гўзал байрам аканлигини жаҳон ахли эътироф этилмоқда. Шу боис ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан 21 мартни халқаро она сайёра кун деб қайд қилинган. Шу кун тун билан кун-

СЕНИ СОФИНДИК, НАВРҮЗ!

дуз тенглашиши муносабати билан жаҳон кўнгириги чалинади. Бу албатта, катта рамзий маънога эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилати қарорига кўра 22 март кун — халқаро Оби ҳаёт кун сифатида ҳам байрам қилинади. 23 мартни эса ўша нуфузли ташкилот — БМТ жаҳон Метеорологлар кун деб эълон қилган. Демак, уч кун халқаро тенглик-тенглашиш, сув сероблиги — ҳаёт-мамот ҳамда об-ҳаво софлиги, покизалиғи сифатида Бутунжаҳон байрам-сайиларига айланади. Яъни, баҳор боши — Наврўзи олам кириб келади...

Тарих гилдираги янги кўнлар — баҳорий кайфият билан айланар экан, кундуз узайган сайин она табиатнинг уйғонишини эътироф этамиз. Баҳор ишлари, юмшлари янгиланади, янги куч-қувватга қиради, олам гўзаллашади. Аллома бобокалонимиз Абу Наср Форобий таъкидлаганларидек, олов, ҳаво, сув ва тупроқ доимо яхлит Ой диориси остидаги жавҳарнинг ҳаёт берувчи (Оламни яратувчи) массаси экан. Сифатлари: иссиқлик, совуқлик,

намлик ва қуруқлик. Улар уйғунлашгандан кейин уйғониш-ҳаракат ва ўзгаришлар чексиз-чегарасиз содир бўлаверади!

Ҳаво — тириклик ибтидоси, давомийликнинг асосий манбаи. Унинг куч-қудрати бизни тўйинтиради, йўқликдан мавжудликка, бўшиқдан борликка асосдир. Ер юзидagi биринчи аёл ҳам Момо Ҳаво деб бежиз аталмаган ахир. Олов — қуёш зарраси, оҳанрабо-си. У тирикликнинг чексиз манбаи, мурод ҳосил қилувчи қувватдир. Халқимиз танни, руҳни оловга, оловни қуёшга баҳшида қилади. Ва ўғил-қизларини эркалаб, «у йигит оловнинг ўзи», «у қиз оловдай ёлқин», дейишларида ҳам ўзгача ҳикмат бор. Олов меҳр-муҳаббат рамзи ҳам. Шу маънода «Қўзимга оловдек кўриндингиз», деб бежиз айтишмайди.

Сув — ҳаёт демак. Ундан тупроқ, гулга, ўт-ўланга, дараклар мевага айланади. Қачонки, сувни тежаб-тергаб ишлатсак, албатта! Сув дил қубо-рини ювади, оламни гулгун қилади.

Она сайёрамизнинг 71 фоизи мовдан иборат. Сонинг уч қисми ҳам — сув. Сув — тир, ҳаёт манбаидир.

Наврўз аллома-шоирларимиз томонидан қўйлангани нақадар унинг халқимизга қўтулғу ва муқаддас эканлигини далиллади. Ҳазрат Алишер Навоий газаалга «Лутдий ва Ҳайдар Хоразмий» тонларидан «Врунома»нинг хурраи жаннатдан ётилган.

Наврўзи олам қадриятлар, урф-одат, расм-русумлар, меҳнат, шодлик, бахт-саодат, гўзаллик, саломатлик байрами дилимизни яратди — халқ одоби-ахлоқини кўз-кўз қилди Наврўзим! Сен тарих қаби узок ва айни пратр вқирон бўлиб...

Байрам дастурхонига

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР

«SIBUR» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ТАДБИРКОРЛАРИ НАВРҮЗ ШОДЁНАЛАРИНИНГ КҶНГИЛЛИ ВА ФАЙЗЛИ ҶТИШИГА ҲИССА ҚҶШИШ МАҚСАДИДА ЯНГИ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИК ТУРЛАРИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ТАҚДИМ ЭТМОҚДА.

Айни кўнларда замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган 6 турдаги совуқ чойлар 0,6 литрлик пластмасса идишларда қадокланмоқда.

— Шу кўнганча тайёрланаётган 20 турдаги чанқовбосди ичимликларимиз сонинигина эмас, сифатини ҳам оширишга эътибор қаратаёلمиз, — дейди қорхона раҳбари Улғубек Ҳайитов. — Ўйлаймизки, янги турдаги маҳсулотларимиз мазаси ва қадокланиши билан ҳамшаҳарларимизга яхши байрам тўғфаси бўлади ҳамда айём дастурхонини безаши, шубҳасиз.

МАЗАСИ ОҶЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

«ЗЕБИНСО ОНА» ХҶСУСИЙ ФИРМАСИ ҚАНДОЛАТЧИЛАРИ ҲАМ ДАСТҶРХОНИМИЗ БЕЗАГИ БҶЛГАН ҚАНДОЛАТ МАҶСУЛОТЛАРИ ТУРЛАРИНИ БАЙРАМ АРАФАСИДА 60 ХИЛГА ЕТКАЗГАНЛИГИ ҚҶВОНАРИДИР.

Тадбиркорлар чет эл технологиялари асосида маҳаллийлаштириш дастурига алоҳида эътибор қаратиб, лавағли ва булғурни шарбатларидан фойдаланган ҳолда экологик тоза рангбаранг, сифатли ва рақобатбардош ширинликлар ишлаб чикаришни йўлга қўйишди. Улар экологик тоза, турфа рангдagi вафли, шоколад ва карамель маҳсулотларидир.

Шуниси қувонарлики, қорхонанинг йод концентратидан фойдаланган ҳолда тайёрланган карамель конфетлари нафақат мамлакатимиз

аҳолисига манзур бўлмоқда, шунингдек, Италия давлатларида ўтказилган халқаро кўрик-танловда совринли ўринга савор бўлди.

ТАБИИЙ ШАРБАТЛАР

«GREEN WORLD» ВА «ИНТЕР СОК» ҚҶШМА ҚОРХОНАЛАРИ АҶЛИ ҲАМ БАЙРАМ ДАСТҶРХОНИ ФАЙЗИГА ҶЗ ҲИССАСИНИ ҚҶШИШГА АҶД ҚИЛГАН.

Ушбу қорхоналарда «Tetra Pak» линияси асосида қадокланаётган табиий шарбатлар сифати ва дармондориларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳамшаҳарларимиз тадбиркорлар томонидан ишлаб чикариладиган ва жаҳон андозалари даражасида қадокланаётган — Ўзбекистоннинг ширин-шарбат олма, шафтоли, олча, нок, помидор, узум сингари мева ва сабзавотлари шарбатларидан баҳраманд бўлишди. Ушбу шарбатлар шахримиз савдо шохбчалари орқали истеъмолчиларга тортиқ этилмоқда.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат цирки Сиз азиз ишавандаларни Ўзбек циркининг асосчиларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Карим Зариповнинг хотирасига бағишлаб шу йилнинг 3 апрелида ўтказиладиган хайрия кечага таклиф қилади. Дастурда ўзбек эстрадасининг юлдузлари, цирк-эстрада коллежи ўқувчилари иштирок этишади. Дастур ҳомийси «Алоқозар-Тea» фирмаси Дастурни сахналаштирувчи-режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова ХАЙРИЯ КЕЧАСИ СОАТ 18.00 ДА БОШЛАНАДИ. Маълумот учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТИ Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ КҶРИШГА ШОШИЛИНГ Спектакллар: 2006 йил 21 март, 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 22, 23, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади. Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин. Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлади. Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 2006 йил 17 мартдан 2 апрелгача Илк бор Тошкент цирки менежди «КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИ» дастури Дастурдан ўргатилган типратиканлар, жайралар иштирокидаги томошалар, Россия халқ артисти Виктор Шемшур раҳбарлиги остида узун таъқа ўрнашган ҳолда хавода айланувчи айқлар иштироки ўрин олган. Томошалар: иш кўнлари — соат 18.00 да; шанба ва якшанба кўнлари соат 12.00, 16.00 да бошланади. Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлади. МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҶАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-506

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нухсда босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақфиланди. «Шарқ» нашриёт-мтбао акциядорлик компанияси босмоҳонаси, Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6